# КАРВОНДАН ОРТДА ҚОЛМАЙ

## УСТОЗ ИЗИДАН

Қурбоналининг табиати қизиқ. Бир ишга бел боғладими, уни бажармагунча асло тинчимайди. Ороминн йўқотиб қўяди. Бу йил ҳам шундай бўлди. Ҳали ғўза парваришн давом этарди. Терим техникалари мавсумга созланаётган пайт. Қурбонали таъмирчиларга кўмаклашиш учун устахонага келди. Ўзи бошқарадиган зангори кемани барвақт созлади. Мавсумга қадар уни синчиклаб текширди. Ғўза барги дориланаётган кунларнинг бирида устози, тажрибали механизатор Ботирали Икромов ёнига борди.

— Бу йил 150 тонна пахта теришга аҳд қилдим, — деди секин.

Ботирали унинг қўлини қисди.

— Мен 170 тонна теришга бел боғладим. Қани қайтадан қўл олишамизми? «Йигит сўзидан, арслон изидан қайтмас» дейдилар. Лекин дадил бўл, ҳамма нарса ҳаракатга боғлиқ.

Қурбонали устози олдидан қалби қувончга, куч-қувватга тўлиб қайтди.

Оққўрғон районидаги Султон Сегизбоев номли давлат хўжалигининг Шавкат Умиров бошлиқ бригадаси механизатори Қурбонали Худойбердиев шу хўжаликда вояга етди. Ўқувчилик кезларидаёқ техникага ихлос, эътиқод қўйди. Мактабдан сўнг механизаторлик касбини ўрганди. Дастлабки йили зангори кема бункеридан 42 тонна пахта тўкди. Кейинчалик бу кўрсаткични 110—120 тоннага етказди. Ҳамкасби Николай Адаменконинг тажрибасини ўрганди.

Бу йил у ишлаётган бригада пахтакорлари ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олишни кўзлашганди. Қурбонали маррани тезроқ эгаллаш учун бошланган мусобақада пешқадамлар сафида борди. У теримнинг дастлабки куни пўлат этакдан 8 тонна пахта тўкди. Сўнгра кунлик иш унумини 9—10 тоннадан туширмади.

Хўш, бунга қандай эришди?

— Аввало, агрегатимнинг техник ҳолатини яхши сақлашга эътибор бераман, — дейди Қурбонали. — Машина тўхтади дегунча ювиб, шпинделларини тозалайман. Эрталаб албатта моторини қиздириб оламан. Қолаверса, иш вақтидан унумли фойдаланишга интиламан. Бу йил далада ҳосил мўл бўлди. Бункер тезда тўлаверди. Соатига гоҳо уч бункергача тердим.

Қурбонали ишлаётган бригада ишлари билан танишдик. Жамоа мавсумни уюшқоқлик билан ўтказди. Йиллик режа илғорлар қаторида бажарилди. Бунда моҳир механизатор Қ. Худойбердиев ва унинг шериклари Рўзимуҳаммад Ғозиев, Мадиёр Ҳабибуллаев, Николай Адаменко, Неъмат Бобоқуловларнинг муносиб ҳиссалари бор. Бригада ҳозиргача гектаридан 37 центнердан оқ олтин йиғиштириб олди. Юсуф Нишонов, Ғаффор Анорбоев, Мусурмон Ботиров бошлиқ бригадалар эса ҳар гектар майдондан 33—35 центнердан хирмон кўтаришди.

Умуман мавсумда хўжалик далаларида 26 та терим агрегати самарали ишлатилди. Заршунослар бугунгача 8 минг тоннадан ортиқ хом ашё тайёрлашган бўлса, бунда механик-ҳайдовчиларнинг улушлари катта. Техника жиловдори Қурбонали Худойбердиев пўлат этакдан 150 тонна дур бўшатиб, сўзининг уддасидан чиқди.

— Механизаторларга ҳам, теримчиларга ҳам қулай шарт-шароитлар яратиб бердик, — дейди хўжалик директори Шавкат Каримов. — Ўзаро меҳнат мусобақасини ҳар беш кунда якунлаб, илғорлар рағбатлантирилиб борилди. Теримга юқори ҳақ тўлангани, айниқса, мавсумда муҳим аҳамият касб этди.

А. ФОЗИЛОВ.





● Бекобод районидаги «Ғалаба» жамоа хўжалиги заршунослари 1563 гектар майдонда деҳқончилик қилишди. Пахтакорлар бу йилги қийин шароитда ҳам мўл ҳосил етиштирдилар.

СУРАТЛАРДА: Хўжаликнинг илғор механик-ҳайдовчиларидан Расул Ғиёсов (чапда), Олим Маматқулов ва бригада етакчиси Нурмуҳаммад Қўшбоев. 2. Терилган хом ашё тележкага ағдарилмоқда.

А. МАЛЬЦЕВ олган суратлар.

## ОЧИҚ ЧЕҲРАЛАР

Кўклам адоқлаётган кезда халқ ноиблари Бўка район Кенгаши раиси Қодир Элчибоев билан бу йилги шароитда чигит экиш ва дала ишлари ҳақида суҳбатлашгандим. Ўшанда Қодир ака, билмадимов, бу йил анча қийин бўладиганга ўхшайди, деб айтганди. Лекин катта умид ва ишонч билан «ижара ва пудрат усулини кенг жорий этаяпмиз, яна муҳими, одамлардан бир вақтлардагига ўхшаб фақат иш талаб қилмаяпмиз. Энг аввало уларнинг ҳолидан, тирикчилигидан хабар олишга эътибор бераяпмиз. Аминманки, улар юзимизни шувут қилишмайди», деганди.

•

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Далаларда мўлжалдагидек ҳосил етилди. Бироқ 10—15 кунлик кечкилиги бор эди. Шунинг учун ҳар қанча ҳаракат қилинмасин, мавсум бошларида йиғим-терим суръати бироз кўтарилмай турди.

Ўша кезларда Фрунзе номли колхозда бўлдик. Раис Комилжон Дўстматов билан суҳбатлашдик.

— Биродар, яхшиси, биз ҳақимизда ҳозир ёзмай қўяқолинг, — деб илтимос қилганди раис. — Негаки орқадамиз. Бундан ҳижолат чекиб, уялиб, ўзимизни панага олиб юрибмиз. Ахир районимиздаги айрим хўжаликлар жуда илгарилаб кетишди. Улар маррага етай деб қолишди. Биз бўлсак...

Мен самимий, камтар Комилжон акага далда бергандек бўлдим.

— Ҳечқиси йўқ, — дедим. — Ахир айтишади-ку, яхши от кейин чопади, деб. Менимча сизлар айрим тадбирларни ғўзанинг ҳолатини, шароитини ҳисобга олиб ўз билгиларингизча ўтказиб, тўғри иш қилгансизлар. Агарда бошқалардан ортда қолмай қўяқолайлик, деб барг тўкишни шошиб ўтказганларингизда борми, доғда қолишларингиз хеч гап эмасди. Шундай бўлганлар бор-ку, ахир.

— Гапингиз тўғри-куя, — деди Комилжон ака, — бир вақтлардагига ўхшаб ҳеч ким бизга дакки бераётгани йўқ. Нега машиналар ишга тушмади, нега далада одам кам, деб қойишмаяпти. Ўзимизга қўйиб беришган. Лекин барибир ҳижолат бўлаяпмизда.

Район хўжаликларининг ярми маррага етганда яна шу хўжаликда бўлдик. Бу гал Комилжон аканинг чеҳраси очиқ эди. У биз билан самимий ва дилдан сўзлашди. Гаплари ҳам бурро-бурро. Бунинг боисини тушундим. Далада пахта мўл бўлганди. Бу бир. Иккинчидан, ғўза баргини тўкиш айни пайтида ва маромида амалга оширилганлиги учун катта-катта майдонларда ҳосил машина теримига бир текис тайёр бўлибди. Барг яхши тушган. Шунинг учун мавжуд машиналарни тўла қувват билан ишга тушириш мумкин бўлган. Суръат бирданига кўтарилиб кетган. Бошқа хўжаликлар нолга тушиб қолганда ҳам бу ерда бир ярим-икки фоиз пахта топширилаётган эди. Шу туфайли кейинги ўн кунликда хўжалик ғолиб деб топилиб, районнинг мукофотини олибди.

— Бу ўн кунликда ҳам бўш келмоқчи эмасмиз, — деди Комилжон ака. — Одамларимизга минг раҳмат. Уюшсак, ҳамжиҳат бўлсак, ҳаммасига улгурамиз, деб ишонтиришди. Энг муҳими, табиатнинг ўзи бизнинг раҳмимизни еди. Буни тан олмаслик инсофдан эмас.

Шу пайт бир ижарачи аёл келиб қолди. Унинг айтишига қараганда ҳали даласида қўл тегмаган пахталар бор экан. «Ўзимиз уддасидан чиқамиз девдик. Бўлмайдиганга ўхшайди. Иложи бўлса ёрдам бериб юборинг».

— Албатта, — дея Комилжон ака ёнида турган агрономга мурожаат қилди. — Оҳангарондан ўз ташаббуслари билан келган ҳашарчилар бор. Ана ўшаларнинг беш-ўн нафарини опага кўмакка юбориш керак.

Агроном таклифни маъқуллади. Аёл хурсанд бўлиб қайтди.

Дарҳақиқат ўйлаб, пишиқ-пухта амалга оширилган тадбирлар бугунги кунда ўзининг ажойиб самарасини берди. Район деҳқонлари 52 минг тонналик хирмон уйиб, унинг 80 фоизини машиналарда териб олди, салкам 78 фоиз хом ашё юқори сортларга сотилди, деб маълум қилганларида фрунзеликлар ҳам юзимиз ёруғ бўлди, деб айтдилар камтарлик билан. Улар уйған хирмон 2 минг тоннадан ошди. Бу ҳосилнинг 80 фоизи машиналарда саранжомланди. Абдуғани Салимов, Акбар Пўлатов сингари уста деҳқонлар бошлиқ ижарачилар ҳар гектаридан 27—28 центнердан хирмон кўтардилар.

Режа бажарилиш арафасида хўжаликда бўлганимда раис мени Анвар Жиянбеков билан таништирди. Қотмадан келган, ёши элликлардан ошган, кўзлари кулиб турувчи бу деҳқоннинг гап-сўзларидан ҳалоллик, соддалик уфуриб турарди.

— Режани бажариш қийин бўлдими?

— Ўзи осон иш борми? —саволга савол билан кулиб жавоб берди у. — Очиғини айтай, агар ижара бўлмаганида ва далада ишловчилар меҳнатига рағбатлантирилган ҳақ тўланмаганида қийналишимиз турган гап эди. Бу усулнинг афзаллик томони шундаки, унда ишлаган олади. Ҳеч ким лоқайд бўлолмайди. Агар лоқайд бўлса, дангасалик қилса, ўзига қийин, зиён кўради. Бола-чақасининг насибаси яримта бўлади. Албатта, ҳеч ким буни хоҳламайди.

Ўзимиздан қиёс. Одамларга ҳар мавсумнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олиб, биркитилган ерига қараб гектарига 80, 100, 200 сўмдан ҳақ бериб бордик. Улар пировард натижа юқори бўлишини кўзлаб ишладилар. Натижа ёмон бўлмади. 51 гектар ерда деҳқончилик қилган эдик, шунинг 31 гектаридаги пахтадан 28 центнердан хирмон кўтардик. Сабзавот, картошка, кузги экинлар ҳосили ҳам мўл бўлди.

Хўжаликдан қайтаётиб йўл-йўлакай атрофга назар ташладик. Режа аллақачон бажарилган бўлишига қарамай оқариб кўринаётган пахта далалари, ҳали ҳосили йиғиштириб олинишига улгурилмаган кўм-кўк сабзавот пайкаллари кўзга ташланарди. Булар пешона тери эвазига етиштирилган эл бойлиги, ноз-неъматлар. Уни етиштирган одамлар ҳеч шубҳасиз ғанимат кунларни бой бермай охиригача йиғиштириб оладилар. Бунга ишончимиз комил.

Н. РИХСИЕВ.

## ДАЛАДА ЯНГРАГАН ҚЎШИҚ

ҚАЕРДА инсон меҳнати қадрланса, ўша ерда ютуқ бўлади. Шуни назарда тутган халқ депутатлари Ўрта Чирчиқ район Кенгаши пахта йиғим-теримининг дастлабки кунларидан пахтакорларни моддий ва маънавий томондан рағбатлантиришга бутун эътиборини қаратди.

Акмал Икромов номли ва Ўртасарой матлубот жамиятларида, район маиший хизмат кўрсатиш бўлимида кўчма дўконлар ташкил этилиб, жадвал асосида райондаги 15 хўжалик пахтакорларига хизмат қилди. Бир неча бор илғор теримчиларга, механизаторларга ноёб совғалар уюштирилди.

Шунингдек, пахтакорларга медицина хизмати кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Район тасарруфида 4 та медицина бригадаси тузилиб, улар пахтакорларга намунали медицина хизмати кўрсатишяпти. Хўжаликлар дала шийпонлари аптечкалар билан таъминланган.

Бундан ташқари райондаги «Ленин йўли» ва Ленин номли колхозлар билан медицина илмий текшириш институти юқори малакали шифокорлари ўртасида шартнома тузилиб 1.200 нафардан ортиқ киши улар кўригидан ўтди.

Районда иккита маданият уйи бор. Уларнинг қатнашчилари йиғим-теримнинг дастлабки кунларидан пахтакорлар ҳузурида бўлиб, 30 дан ортиқ ўз концерт программаларини намойиш этишди. Улардан айниқса, вилоят «Истиқбол» кўригининг ғолиби Эркинжон Деҳқонбоев, хушовоз хонандалар Идижон Ширинов, Мираҳмад Мирсолиев, Суннат Комиловларнинг дилрабо қўшиқлари пахтакорларга манзур бўлди.

Райондаги Акмал Икромов номли колхоз аъзолари зафар қучган кун хўжаликда Ўзбекистон телевидениеси солистлари иштирокида концерт уюштирилди. Бундан ташқари ҳар бир хўжаликда янги китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

Бу саъй-ҳаракатлар зое кетмади. Район заршунослари давлатга 40 минг тоннадан зиёд пахта топшириб, вилоят оқ олтин хирмонига муносиб улуш қўшдилар.

Ф. АЛИМОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.



● Пискент районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги заршунослари вилоят режасининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшдилар. Бунда чевар теримчиларнинг улуши катта бўлди.

СУРАТДА: мусобақа пешқадамлари Мавлуда Ҳусанова ва Анор Ҳолиқулова.

А. ИКРОМОВ олган суратлар.



● Вилоятда кўпмингкилограммчилик ҳаракати кенг ёйилган. Пискент районидаги Навоий номли жамоа хўжалигининг илғор теримчиси Наргиза Ортиқова ҳам шу мусобақага қўшилган. У ҳамкасблари ўртасида пешқадам бўлди.

СУРАТДА: илғор теримчи Наргиза Ортиқова.

## КАМАРБАСТАМИЗ

Вилоятимиз пахтакорларининг зафар маррасига етиб келгани ҳақида тарқалган хушхабар «Ташкентводстрой» трестининг меҳнат жамоасини ғоят хурсанд қилди. Бу салмоқли муваффақиятда коллективимизнинг ҳам ҳиссаси бор, десам муболаға эмас. Трестимизнинг районларда жойлашган бўлинмалари пахтакорлар билан ёнма-ён туриб меҳнат қиладилар. Биз ҳамиша деҳқонга мададкор бўлиб келганмиз, бундан сўнг ҳам шарафли бурчимизга содиқ қоламиз. Вилоят ҳудудида ҳар йили 20 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш-тиклаш ишларини амалга ошириб келаяпмиз. Очиқ ва ёпиқ коллектор тармоқларини барпо қилиш, гидротехник иншоотлар қуриш, шунингдек, деҳқонлар учун уй-жойлар, чорвадорларга комплекслар ҳамда ижтимоий ва маданий-маиший бинолар тиклаш биз амалга ошираётган ишлар жумласидан ҳисобланади.

Кейинги йилларда иш услубимиз ва топшириққа муносабатимизда жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Ишнинг сифати ва унуми бош мезон қилиб белгиланган. Эндиги кунда ўзлаштирилаётган маблағларнинг асосий қисмини ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга йўналтирганмиз. Бор куч-имкониятимизни ишлаб турган мавжуд дренаж, коллекторларни реконструкция қилишга, пайкалларни қайта текислаб, соғломлаштиришга, хўжаликлараро каналларни бетонлаштиришга қаратганмиз. Деҳқончилик қилинадиган майдонларда захсувларни қочириб, серҳосил пайкаллар яратиш фаолиятимизнинг бош мезони бўлиб қолади. Пахтакорлар уруғ экиб мўлжалдаги ҳосилни ундириб, юзи ёруғ бўлса, бу биз — замин табибларининг ҳам ютуғимиз саналади. Пахтакорларга камарбастамиз, уларнинг дарди ва ташвишига, муваффақиятига ҳамиша шерикмиз.

С. МАДАЛИЕВ,
«Ташкентводстрой» трестининг бошқарувчиси.

## КЕЛГУСИ ҲОСИЛГА — ПУХТА ЗАМИН

(Боши 1-бетда).

кузги шудгорнинг энг мақбул усули қўшярусли ҳайдашдир. У ер қатлами тўлиқ ағдарилишини, бегона ўтлар уруғлари ва илдизпоялари чуқур кўмилишини таъминлайди. Қўшярусли ҳайдашда далаларни ўт босиши 2—2,5 марта камаяди, ўсимликларнинг озиқланиш шароити, микробиологик жараёнлар яхшиланади, пахта ҳосилдорлиги гектарига 2—3 центнер ошади. Қўшярусли сўқалар етишмаган хўжаликларда шудгор чимқирқарли оддий сўқалар билан амалга оширилгани маъқул.

Кузги шудгор чуқурлиги ва дала бўйлаб бир текис ўтказилиши унинг сифатини белгиловчи кўрсаткичлардир. Ҳайдов майдон бўйлаб баравар бўлиши пайкалнинг қай даражада текисланганлигига боғлиқ. Шунинг учун шудгорлашдан аввал далаларда жорий текислаш ўтказиш, ўқариқларни, мавсумий сув қўйишда ҳосил бўлган паст-баландликларни текислаш зарур. Ҳайдаш чуқурлиги тупроқ турлари, унумдорлиги, зичлиги, қачон ўзлаштирилганлиги ва далаларнинг ўт босганлигига қараб табақалаштирилади.

Унумдор қатлами юпқа бўлиб, тагзамин қум ёки шағалдан иборат бўлган далаларда кузги шудгор шундай чуқурликда ўтказилиши керакки, қум ва шағал юза қисмга ағдариб чиқарилмасин. Тупроқ қатлами қалин бўлган Андижон ва Сурхондарё вилоятларида ҳайдаш чуқурлиги 30—40 сантиметр, шимолий ва марказий пахтачилик минтақаларида, қалин қатламли типик ва оч бўзтупроқларда, шунингдек, Тошкент, Самарқанд, Сирдарё, Қашқадарё, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистон республикасининг суғориладиган ўтлоқ тупроқларида 30—35 сантиметр бўлиши тавсия этилади. Биринчи метрли қатламида гипс қавати бўлган, шўрланган ўтлоқ тупроқларда, оғир, кучли зичланган тупроқларда 45—50 сантиметр чуқурликда юмшатиш ўтказиш, сўнгра ерни шудгорлаш маъқул.

Бедазорларни ҳайдашда йўнғичқа илдизлари баҳорги кўклашининг олдини олиш учун шудгордан аввал 5—7 сантиметр чуқурликда лушчилниклар ёрдамида бу томирлар қирқилиши ёки икки ярусли ҳайдашда чимқирқар сўқача ишлатиш зарур. Бедапояларни тупроқ шароитига қараб 30 ва 40 сантиметр чуқурликда ҳайдаш лозим. Йўнғичқа ўрнига экиладиган пахта далаларини иккинчи-учинчи йиллари 20—22 сантиметр чуқурликда ҳайдаган маъқул. Шундай қилинганда, беда қолдиқлари ва чириндилари узоқроқ муддат ҳосилга хизмат қилиши исботланган.

Ҳар бир пайкални шудгорлаш унинг бош ва охирги қисмларини қайта чуқур ҳайдаш билан якунланади. Уни осилган сўқалар билан ўтказган дуруст. Шудгордан кейин ҳосил бўлган дўнг-чуқурлар шу заҳоти текисланиши керак. Бунинг учун кенгқанотли текислагичлар, Д-24, грейдерлар, БДТ-2,2 ёки БДТ-2,5 оғир дискали тарма, ГН-4, ГН-2,8 осма грейдерли текислагичлар ва бошқа қуроллар ишлатилиши лозим.

Тажрибалар кўрсатишича, кузги шудгор туфайли пайдо бўлган баланд-пастликларни ҳайдовдан сўнг, ҳали тупроқ ғовак ва зичлашмаган пайтда текислаш зарур. Агар бирор сабаб билан у баҳорда ўтказилса, намлик кўплиги натижасида тупроқ ҳайдов қатлами зичлашади, оқибатда чигитнинг униб чиқиши кечикади, ғўзанинг сўнгги ривожланиши сусаяди ва ҳосил камаяди.

Пушта олишнинг энг мақбул муддати куз ҳисобланади. Кузги шудгордан кейин икки-уч кун ичида тупроқ қуриб қолмасидан мола ёки тармалар билан ер текисланади, сўнгра 25—28 сантиметр баландликда пушта олинади. Аммо ҳамиша ҳам кузда пушта олишнинг имкони бўлмайди. Шу боисдан ёғингарчилик кам тушадиган минтақаларда пуштани эрта баҳорги тупроққа ишлов беришдан кейин, экишдан 10—15 кун аввал олиб, уруғ қадашга 8—10 кун қолганда енгил тупроқларда гектарига 800—900, оғир тупроқларда эса 100—1200 кубометр сув берилади.

**Шудгор суви ва шўр ювиш.** Бу йил август, сентябрь ойларида ёғингарчилик жуда кам бўлганлиги туфайли айрим вилоятларда (Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва ҳоказо) оғир қумоқ ва соғ тупроқлар қуриб, кучли зичлашган. Бундай ерлар шудгор сувисиз ҳайдалса, тупроқ палахса бўлиб кўчиб, иш сифати пасаяди ва тракторлар унуми кескин камайиб кетади. Шароитнинг шу жиҳатларини инобатга олиб, гектарига 500—700 кубометр меъёр билан мавжуд эгатлар бўйича шудгор суви берилиши шарт. Шунда тупроқ осон майдаланади ва ҳайдов чуқурлиги бир текислиги таъминланади.

Фарғона водийси, Сирдарё, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида ва Қорақалпоғистон республикасида шўрланишга мойил ерлар бор. Ушбу майдонларда ўсиш даврининг поёнида юқориги илдиз тарқалган қатламда жуда кўп зарарли тузлар тўпланади. Улар кейинчалик чигит униб чиқишига тўсқинлик қилади, кўчатлар сийраклашади, ғўза ўсиши ва ривожланиши сустлашади, ҳосил кескин камаяди. Юқори самара олиш учун бу ерларда кузқиш ойларида сифатли шўр ювиш ўтказилиши керак.

Махсус изланишлар шуни кўрсатадики, шўр ювиш самарадорлиги қиш охири ва баҳор ойларида анча камаяди. Мирзачўлдаги мелиоратив тажриба станциясида ноябрда ўтказилган шўр ювишда гектаридан 37,3 центнердан, январда ўтказилганда эса 31,5 ёки 5,8 центнер кам пахта ҳосили олинган. Фарғона тажриба станциясида тупроқ шўри ноябрда ювилганда гектар ҳисобига 31,2, февралда ўтказилганда эса 25,8 центнердан оқ олтин етиштирилган.

Шўрланиш даражаси, тупроқ шўри, ерости сувлари сатҳи ҳисобга олинган ҳолда жорий шўр ювишнинг қуйидаги муддатлари ва меъёрлари тавсия этилади: Сирдарё вилоятида ўрта ва енгил қумоқ бир хил тузилишдаги тупроқларда шўр ювишга гектарига 2,5—4 минг, қатламли тупроқларда 4—5 минг кубометр сув сарфланади ва шўр ювиш декабрдан январь ойи ўртасигача якунланади; Фарғона водийси вилоятларида ва Бухорода енгил қатламли тупроқларда шўр ювиш меъёри 2—4 минг кубометрга тенг бўлиб, уни ўтказиш муддатлари экишга (февраль—март) яқинлашиши, оғир қатламли тупроқларда эса 4—5 минг кубометр бўлиб, январь ойида тугалланиши керак; Қорақалпоғистон республикаси, Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг енгил қатламли тупроқларида ювиш меъёри 3—5 минг кубометрга тенг бўлиб, январь-февраль ойларида ўтказилади. Ўртача қатламли тупроқларда шўр ювиш январь-февраль ойларида гектарига 4—5 минг кубометр меъёр билан ўтказилади, оғир тупроқларда декабрь-январь ойларида гектарига 3,5—4,5 минг кубометр сув берилади. Баҳорда эса гектарига 1,5—2 минг кубометр меъёр билан шўр ювиш ниҳоясига етказилади.

Одатда шўр ювиш полларни сув бостириб амалга оширилади. Полларнинг катталиги тупроқ сув ўтказувчанлиги, дала нишаблиги ва текислигига қараб 0,1—0,5 гектар бўлиши керак. Шўр ювиш шудгор йўналиши бўйича ўтказилади. Ювишдан олдин ерлар текисланиб, поллар сифатли олинган пайкалларда яхши самарага эришилади.

**Тавсияларни Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мутахассислари ва республика Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси олимлари тайёрлашган.**

